

Дуонинг одоблари (давоми)



21:10 / 28.04.2019 2320

Саъднинг ўғилларидан бири розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Менинг «Аллоҳим, Сендан жаннатни, унинг неъматларини, унинг шодонлигини ва унисини ва бунисини сўрайман. Сендан дўзахдан, унинг занжирларидан, кишанларидан, унисидан, бунисидан паноҳ сўрайман» деяётганимни эшитиб қолиб, отам:

«Эй ўғлим, мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг «Тезда дуода ҳаддан ошадиган қавм бўладир» деганларини эшитганман. Ўшалардан бўлиб қолишдан сақлан. Агар сенга жаннат берилса, албатта, сенга у ҳам, унинг ичидаги яхши нарсалар ҳам берилган бўлади. Агар сен дўзахдан сақланган бўлсанг, ундан ҳам, унинг ичидаги ёмон нарсалардан ҳам сақланган бўласан», деди».

Шарҳ: Дуонинг одобларидан бири унда муболағага кетиб, ҳаддан ошмасликдир.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга уч марта дуо қилиш ва уч марта истиғфор айтиш ёқар эди».

Иккисини Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Дуонинг одобларидан бири уни уч марта такрорлашдир.

(давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан